

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАНЗАКОВ БЕКЗОТ КУЛМАМАТ ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТЛАРГА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДА  
ЮҚОРИ СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Жанзаков Бекзот Кулмамат ўғли**

Ўзбекистонда туристларга хизматлар кўрсатишда юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш усулларини такомиллаштириш..... 3

**Жанзаков Бекзот Кулмамат угли**

Совершенствование методов обеспечения конкурентоспособности и высококачественного обслуживания туристов в Узбекистане ..... 27

**Janzakov Bekzot Kulmamat ugli**

Improving the methods of ensuring competitiveness and high quality services for tourists in Uzbekistan ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАНЗАКОВ БЕКЗОТ КУЛМАМАТ ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТЛАРГА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДА  
ЮҚОРИ СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt910 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида (www.sies.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Баходирхон Шахриёрович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўхлиев Искандар Суёнович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Алиева Махбуба Тойчиевна  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.18.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «30» 07 соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел: (998 66) 233-19-84; Факс:(998 66) 231-12-53, e-mail: sies\_info@edu.uz.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (033 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., А.Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies\_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 07 кун таркатида  
(2021 йил «15» 07 даги 3 рақамли реестр баённомаси).



М.Э. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Н.Э. Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.М. Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва халқаро интеграция жараёнларининг жадаллашуви шароитида туризм дунёнинг етакчи стратегик соҳаси сифатида тез суръатларда ривожланмоқда. Бутун жаҳон туризм ташкилоти (БТТ)нинг маълумотларига кўра, «2019 йилда дунё иқтисодиётида 330 миллион киши банд бўлиб, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10,3 фоизи ва хизматлар экспортининг 28,3 фоизи туризм соҳасига тўғри келган»<sup>1</sup>. Шу билан, кўп мамлакатлар ҳозирги кунда туризм соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жаҳонда туристлар оқимини муайян мамлакатларга йўналтириш, уларга сифатли туристик хизматлар кўрсатиш жараёнларида юзага келаётган қатор муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий ечим топиш юзасидан мақсадли изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ туристик хизматларнинг сифат даражасини истеъмолчилар талаби бўйича баҳолаш, туризм субъектларининг рақобатбардошлик индексини кўрсаткичлар интеграцияси асосида аниқлаш ҳамда сифат мезонларини сайёҳлар эҳтиёжларига мос ҳолда такомиллаштириш бўйича соҳада илмий изланишлар олиб борилиши тақозо этилади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда муҳим стратегик соҳа сифатида «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> устувор йўналиш сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Туризмни ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислохотларни давом эттирамиз»<sup>3</sup>, — деб таъкидланганидек, келгусида ташриф буёраётган сайёҳлар диди ва талабларига жавоб берадиган юқори сифатли туристик хизматлар кўрсатиш тармоғининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш усулларини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Республикада мазкур масалаларга доир кенг кўламли чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 9 январдаги ПФ-6165-сон

<sup>1</sup> WTTC. Travel & Tourism Economic Impact 2019 World. <https://wttc.org/Research/Economic-Impact>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «2017 -2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси». Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон 70-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил / Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабрь.

«Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туристик хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш сифат даражаси билан боғлиқ муаммолар хорижлик олимлардан L.Dwyer, Ch.Kim, A.Poon, P.Keller, T.Bieger, P.Krugman, E.Bordas, B.Ritchie, J.Crouch, M.Porter<sup>4</sup> кабилар томонидан ўрганилган.

Республикамизда К.Х.Абдурахмонов, Н.Т.Тухлиев, М.Э.Пўлатов, И.С.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, М.Р.Болтабоев, М.М.Мухаммедов, Б.Ш.Сафаров, Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, М.Т.Алиева, А.А.Эштаев, О.Х.Хамидов, Н.Э.Ибадуллаев<sup>5</sup> ва бошқа олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Юқорида тилга олинган олимларнинг илмий изланишларида туризмни ривожлантириш масалалари кенг ёритилган бўлсада, лекин, айнан юқори сифатли туристик хизматлар кўрсатиш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари етарлича ўрганилмаганлиги мазкур диссертация

<sup>4</sup>Dwyer L., Kim Ch. Destination Competitiveness: Determinants and Indicators. Current Issues in Tourism Vol. 6, 2003; Poon, A. Tourism, Technology and Competitive Strategies. CAB International, New York, 1993; Keller P., Bieger T., Innovation in tourism-creating customer value: 55<sup>th</sup> congress 2005, Brainerd, USA; Krugman P. Competitiveness: a Dangerous obsession. In: Competitiveness. An International Economics Reader. -N.Y.: Foreign Affairs, 1994, pp. 1-17; Bordas, E. Competitiveness of Tourist Destinations in long distance markets. The Economics of Tourism Destinations. Burlington: Elsevier, 1994; Crouch, J. & Ritchie, B. The competitive destination- a sustainable tourism perspective. Cambridge: Cabi Publishing, 2003; Портер М. Конкуренция. - М.: Вильямс, 2000. -С.: 174-191.

<sup>5</sup>Абдурахмонов К.Х. Менеджмент туризма: Учебное пособие. -Т.: Филiaal ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В.Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.-248 с.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. -Т.: Гос. Науч. Изд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. -386 б.; Пўлатов М.Э., ва бошқалар. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти).Ўқув қўлланма.Т.: Фан ва технология, 2018. -296 б.; Тухлиев И. Туризм асослари. -Самарқанд, СамИСИ. 2010. -271 б.; Пардаев М. ва бошқалар. Туризмни режалаштириш. Дарслик. Т.: «Иқтисод ва молия» 2008.-262 б.; Boltabayev M.P., Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. -Т.: «Fan va texnologiya», 2018, - 400 б.; Мухаммедов М. ва бошқалар. Минтака иқтисодиётининг замонавий муаммолари. Монография.-Т.: LESSON PRESS, 2020; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. -Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. 184 б.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // «Сервис», 2013. № 1, С: 4-9; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). DSc. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -С.: СамИСИ, 2017. -265 б.; Алиева М.Т. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида). икт. фан. докторлик диссертацияси автореферати. -С.: СамИСИ, 2019. -77 б.; Эштаев А.А. Глобализация шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). икт. фан. докторлик диссертацияси автореферати -С.: СамИСИ, 2019. -120 б.; Хамидов О. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана: канд. дисс. автореф. 2006 -22 с.; Ибадуллаев Н. Туристик ресурслардан фойдаланиш самардорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). -икт. фан. ном.дисс. автореферати. -Самарқанд, 2010.

мавзусини танлаш, тадқиқот мақсад ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети №SIRB-02 «Рақамли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали ривожлантиришнинг инновацион усуллари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади ҳамда №ОТ-Ф1-61 «Ўзбекистоннинг туристик-рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтакавий геоахборат тизимини шакллантириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мамлакатимизда туристларга хизмат кўрсатишда юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

туризм соҳасида «туризмда инновацион хизмат», «юқори сифатли туристик хизмат» ва «туристик хизмат рақобатбардошлиги» тушунчаларини иқтисодиёт тармоқларидаги юқори сифат даражасини инобатга олган ҳолда илмий- назарий жиҳатдан асослаш;

юқори сифатли ва рақобатбардош туристик хизматлар билан таъминланиш даражасини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш;

туристларга сифатли ва рақобатбардош хизматлар кўрсатиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш йўллари ва йўналишларини ишлаб чиқиш;

республикада юқори сифатли туристик хизматлар бозорини ўрганиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш усулларини илмий асослаш;

туристик хизматлар кўрсатиш кластерини шакллантириш асосида соҳада юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш имкониятларини аниқлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

рақобатбардошликни таъминлашда юқори сифат стандартлари ва инновацияга асосланган туристик хизмат турларидан фойдаланишнинг концептуал йўналишларини асослаш;

рақамли иқтисодиёт шароитида эконометрик моделлар асосида туристларга кўрсатиладиган юқори сифатли рақобатбардош хизмат турларининг истиқбол параметрларини ҳисоблаш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда туристик хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** туристларга хизмат кўрсатишда юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда индукция ва дедукция, анализ ва синтез, график ва такқослама таҳлил, SWOT таҳлили, статистик ва эконометрик моделлаштириш, чизикли трендлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«туризмда инновацион хизмат» тушунчасининг таърифи туристларга таклиф этиладиган хизматларда янги технологиялар, янги гоё ва илмий-инновацион хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

туристик хизматларнинг юқори сифат ва рақобатбардошлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган ҳамда кичик туристик субъектлар учун хизмат кўрсатиш бўйича такомиллаштирилган сифат мезонлари таклиф этилган;

туризмда юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминловчи ҳамда соҳа жозибадорлигини ошириш имкониятини яратувчи Самарқанд минтақавий туристик хизмат кўрсатиш ҳудудий кластери таклиф этилган;

рақамли иктисодиёт шароитида юқори сифатли рақобатбардош хизмат кўрсатиш бўйича пандемиянинг таъсирини ҳисобга олувчи туризмни ривожлантиришнинг 2021-2024 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар учун ишлаб чиқилган мезонлар, рақобат стратегияси ҳамда туристик хизматлар сифат даражасини аниқлаш услубияти бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

инновацияга асосланган юқори сифат даражаси ва рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда туристик хизмат турларидан фойдаланишнинг муҳим йўналишлари бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

юқори сифатли туризм хизматлари кўрсатишга ихтисослашган ҳудудий туристик кластерни шакллантириш ва унинг мақбул тузилмаси бўйича Самарқанд минтақасида туризм рақобатбардошлигини таъминлашнинг амалий аҳамияти асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборотлар базаси расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш ҳамда Давлат статистика қўмиталари расмий маълумотлари манбаларидан олингани, тегишли хулоса ва таклифлар амалда синовдан ўтказилганлиги, натижалар ваколатли давлат органлари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори сифатли хизматлар ҳажмини аниқлаш услубиятининг илмий асосланганлиги, минтақалар туризмида нарх сиёсати ҳисобга олинган рақобат стратегияси ишлаб чиқилганлиги, юқори сифатли туристик хизматлар бозорининг ташкилий-иқтисодий тузилмаси бўйича таклифлари ёритиб берилганлиги, шунингдек туризм субъектлари учун



умумий рақобатбардошлик индекси, хизмат кўрсатиш ҳудудий туристик кластерининг таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, туризм соҳасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш ва рақобатбардошликни таъминлаш усулларини такомиллаштириш бўйича ҳудудларда комплекс чора тадбирлар ишлаб чиқишда ҳамда «Инновацион иқтисодиёт», «Туризм иқтисодиёти», «Инвестициялар ва инновациялар», «Туризм ва меҳмонхона хизматлари иқтисодиёти» каби фанлар бўйича ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда соҳага оид луғатлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда туристларга хизмат кўрсатишда юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий-услубий натижаларни амалиётда қўллаш асосида:

республикамиз туризмни ривожлантиришда «туризмда инновацион хизмат» тушунчасининг такомиллашган таърифи олий таълим бакалавриат йўналиши учун мўлжалланган «Инновацион иқтисодиёт» ўқув қўлланмасини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4-майдаги 285-сон буйруғига асосан 285-194 сонли нашр рухсатномаси). Ушбу таклифнинг қўлланиши туристларга хизмат кўрсатишда янги технологиялар, янги гоа ҳамда инновацион ёндашувларни илмий асослаш, амалиётга тадбиқ этиш ва соҳани жадал ривожлантириш учун имкониятларни яратган;

туристик хизматларнинг юқори сифат ва рақобатбардошлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда кичик туристик субъектлар учун сифатли хизмат кўрсатиш мезонларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси амалиётга жорий қилинган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 19 ноябрдаги 02-16/5480-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида, туристик хизматларнинг юқори сифат ва рақобатбардошлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими ва кичик туристик субъектлар учун сифатли хизмат кўрсатиш мезонлари такомиллаштирилиб, туристик хизмат турларидан самарали фойдаланиш даражасини аниқлаш имконияти яратилган;

республика туризмида юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминловчи ҳамда соҳа жозибадорлигини ошириш имкониятини яратувчи Самарқанд минтақавий туристик хизмат кўрсатиш ҳудудий кластерини шакллантириш, шунингдек унинг мақбул тузилмаси бўйича тақдим этилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси амалиётга жорий қилинган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 19 ноябрдаги 02-16/5480-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида, минтақаларда туристик инфратузилмани ривожлантириш ва унинг таркибий субъектлари ўртасидаги кооперацион алоқаларни мувофиқлаштириш асосида юқори сифатли рақобатбардош туристик хизматларни экспорт қилиш имконияти кенгайган;

юқори сифатли рақобатбардош хизмат кўрсатиш бўйича коронавирус пандемиясининг таъсирини ҳисобга олувчи туризмни ривожлантиришнинг 2021-2024 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари бўйича олинган илмий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат кўмитаси амалиётига жорий этилган (Туризмни ривожлантириш Давлат кўмитасининг 2020 йил 19 ноябрдаги 02-16/5480-сон маълумотномаси). Ушбу прогноз натижаларига кўра, мамлакатимизда туризм соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида, 2024 йилга бориб, юқори сифатли туристик хизматлардан олинадиган даромаднинг 2019 йилга нисбатан 17,7% га ва капитал инвестицияларнинг ҳажми эса 25% га ўсиши кутилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий натижалари жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда 8 та илмий мақола, шундан 4 та республика, 4 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, ишнинг ишончлилиги, нашр қилинган ишлар сони ва апробацияси, диссертация ишининг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Туризм соҳасида юқори сифатли ва рақобатбардош хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида туристик хизматлар кўрсатишда рақобатбардошлик ва юқори сифатни таъминлашнинг назарий асослари, туристик хизмат кўрсатишнинг моҳияти ва иқтисодий аҳамияти, юқори сифатли туристик хизмат кўрсатиш даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими, шунингдек, мазкур соҳада рақобатбардошлик ва жозибадорликни таъминлашга доир хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари ва тараққий этган давлатларнинг илғор тажрибаларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш масалаларини тадқиқ этиш асосида илмий-назарий хулоса, услубий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилган.

Тадқиқот ишида туристларга кўрсатиладиган юқори сифатли хизматларнинг оддий хизматлардан фаркланиш хусусиятлари асослаб берилган, яъни:

туристик хизмат кўрсатиш юқори малакали (камида уч йил соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлган) ходимлар томонидан амалга оширилиши;

туризм билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш иқтисодийнинг инновацион технологияларга асосланган хизматларини ўз ичига олиши (замонавий онлайн хизматлар, электрон савдо иловалари асосида туристик товар ва хизмат харид қилиш кабилар);

инновацион туризм хизмат турларини туристлар дид ва эҳтиёжи асосида қўллаш имкониятининг мавжудлиги (янги турдаги кўнгилочар тадбирлар, турли интеллектуал конкурслар, мавзули шоулар ва бошқалар);

хизмат турлари ва сифатидан қониқиш даражасини анкета сўровномалари ва мақсадли тестлар асосида баҳолаш имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади.

Юқори сифатга эришишда хизматларда инновацияларни жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. Инновацион хизматлар туристлар нигоҳида бутунлай янги сифат ва кўриниш билан намоён бўлади ва бошқа хизматлардан ажралиб туради. Юқоридаги ва бошқа жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, бизнинг таърифимизга кўра, *туризмда инновацион хизмат – бу туристлар диди ва талабларини қондириш мақсадида тақлиф этиладиган, туризм соҳасига татбиқ этиладиган янги гоя, технология ва илмий ишланмаларни ўз ичига оладиган замонавий хизмат ҳисобланади.*

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, туристик хизматларнинг сифатига қараб даражалаш ҳар хил давлатларда турлича амалга оширилади. Ўзбекистонда бу борада ўзига хос тажриба мавжуд бўлиб, туроператор ва турагентлар тур пакетларни сотишда шартли равишда туристик хизматларни люкс, биринчи класс, туристик класс ва тежамли (эконом) класс этиб белгилайдилар<sup>6</sup>.

Шундан келиб чиққан ҳолда биз юқори сифатли туристик хизматга туристларнинг жисмоний ва эстетик эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган, хавфсиз, атроф муҳитга зарар келтирмайдиган, хизмат кўрсатишнинг барча босқичларида сифати пасаймайдиган, сифатли инфратузилма шароитида рўй берадиган, инновацион технологиялар жалб қилинадиган малакали хизмат деб таъриф бердик.

Туристларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни амалга ошириш туризм рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди ва соҳа мутахассисларининг фикрича қуйидагилар билан белгиланади, яъни:

рақобатбардошлик иқтисодий категория сифатида аниқ бозор ёки хизматга нисбатан релятивистик (нисбий) тушунча эканлиги;

рақобатбардошлик динамик хусусиятга эга бўлиб, фундаментал омиллар таъсирида вақт давомида ўзгариб бориши;

рақобатбардошлик туристик хизматларнинг ривожланиш даврига бевосита боғлиқ эканлиги;

<sup>6</sup>Boltabayev M.P., Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, - 400 b.

рақобатбардошлик кўрсаткичларининг туризм бозоридаги ўзгариш-ларга кучли боғланганлиги, бу эса, ўз навбатида, уни мунтазам чуқур тадқиқ этиш ва мониторингини юритишни тақозо этишлиги;

рақобатбардошликнинг туристик хизматлар бозор талабига, тур хизмат таркибига ҳамда истеъмолчиларнинг муайян хусусиятларига боғлиқлиги<sup>7</sup> кабилар билан белгиланади.

Бинобарин, туристик хизмат рақобатбардошлиги – бу муайян туристик хизмат турининг туризм бозоридаги бошқа рақобатчи шундай хизматга нисбатан эришган сифат, кадрлар малакаси, фойда (даромад) даражаси, бозордаги улуши каби нисбий кўрсаткичлар асосида ифодаланадиган ва баҳоланадиган тушунчадир.

Туризмда юқори сифатли туристик хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш, ўз навбатида, инновацион жараёнларга узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиздир. Зотан, инновацион гоё, маҳсулот ва технологияларни мунтазам тарзда татбиқ этиш туризм соҳасини интенсив ривожлантириш, рақобатдош қилиш, янги самарали тизимни шакллантириш ва туризм хизматлари натижадорлигини оширишга мустаҳкам замин яратади.

Тадқиқот жараёнида туризмда рақобатбардошликни таъминлаш бўйича америкалик олим А.Пуннинг ушбу соҳада рақобатбардошликни таъминлаш бўйича ёндашуви<sup>8</sup>, М.Портернинг «жавоҳир» модели<sup>9</sup>, Л.Дуайер ва Ч.Кимнинг туристик дестинациялар рақобатбардошлигининг интеграллашган модели<sup>10</sup> ҳамда Ж.Крауч ва Б.Ричиларнинг рақобатбардошлик даражасига таъсир этувчи 36 та омилни ўз ичига олувчи моделлари<sup>11</sup> ўрганилди ва улардан тегишли йўналишларда фойдаланилди.

Туризмда хизматлар сифатини ўлчаш ва унинг рақобатбардошликка таъсирини баҳолаш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, М.А.Титу ва бошқалар сўрономалар орқали меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш сифатини аниқлаб, унинг рақобатбардошликка таъсирини ижобий эканлигини логит модели орқали тасдиқлашган<sup>12</sup>. М.В.Кобяк эса хизматларни стандартлаштириш орқали сифат даражасини юқори даражага чиқариш ҳамда хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш мумкинлигини жаҳон тажрибасидан мисоллар орқали кўрсатиб берди<sup>13</sup>.

Замонавий туризмда хизмат кўрсатишда «акли» технологиялар тур пакетларнинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Масалан, баъзи йирик тур фирмалар вебсайтларида виртуал ассистентлар, онлайн бронлаш, виртуал

<sup>7</sup>Шакина Ж. М., Тлеубердиева А. Т. Формирование конкурентоспособности туристических услуг / Маркетинг в России и за рубежом. 2011. - № 6. -С. 115-121.

<sup>8</sup>Poon, A., *Tourism, Technology and Competitive Strategies*. Oxon, UK: CAB International. 1993. pp.123-129.

<sup>9</sup>Портер М. Конкуренция. — М.: Вильямс, 2000. -С. 174-191.

<sup>10</sup>Dwyer L., Kim Ch. Destination Competitiveness: Determinants and Indicators. *Current Issues in Tourism* Vol. 6, 2003. pp. 1-6.

<sup>11</sup>Crouch, J. & Ritchie, B. *The competitive destination- a sustainable tourism perspective*. Cambridge: Cabi Publishing, 2003. pp 1-20.

<sup>12</sup>Titu M.A., Raulea A.S., Titu S. Measuring Service Quality in Tourism Industry. *Procedia –Social and Behavioral Sciences*, 2016. pp. 294-301.

<sup>13</sup>Кобяк М.В. Качество туристических услуг как стратегическая основа развития туризма. *Экономика региона*, № 1, 2011. pp. 260-263.

тўлов хизматлари ва бошқаларсиз юқори сифатли туристик хизмат кўрсатишни тасаввур қилиб бўлмайди.

### 1-жадвал

#### Туристтик хизматларда юқори сифат даражасини баҳолаш кўрсаткичлари тизими<sup>14</sup>

Кўрсаткичлар	Алгоритмик ҳисоблаш тартиби ва формуллари	Изоҳ
<b>Юқори сифатли туристик хизмат кўрсатиш даражасини баҳоловчи миқдорий кўрсаткичлар</b>		
Меҳмонхонанинг люкс хоналар билан таъминланганлик даражаси	$L = \frac{N_{lux}}{N}$ $N_{lux}$ -люкс хоналар сони $N$ -жами ётоқ жойлар сони	Люкс-класс(элита) туристлар учун мавжуд инфратузилмани баҳолайди
Ресторанларнинг жами овқатланиш корхоналари сонига нисбати	$R = \frac{M_{rest}}{M}$ $M_{rest}$ -ресторанлар сони $M$ -жами овқатланиш корхоналари сони	Люкс-класс(элита) туристлар учун мавжуд овқатланиш инфратузилмасини баҳолайди
Чакирув бўйича транспорт люкс хизматларининг жами транспорт хизматлари сонига нисбати	$T = \frac{J_{lux}}{J}$ $J_{lux}$ -люкс такси хизматлари сони (ҳажми) $J$ -жами такси хизматлари сони (ҳажми)	Люкс-класс туристлар учун мавжуд транспорт инфратузилмасини баҳолайди
Қайта ташриф буюрган туристларнинг жами туристлар сонига нисбати	$V = \frac{b_{qayta}}{b}$ $b_{qayta}$ -қайта ташриф буюрган туристлар сони $b$ -жами туристлар сони	Туристтик дестинациянинг жозибадорлигини белгилайди
<b>Юқори сифатли туристик хизмат кўрсатишнинг рақамлаштирилганлик даражаси</b>		
Меҳмонхоналарда рақамли бронлашнинг кўйилганлиги- $D_1$	$D_1 = 0$ - йўлга қўйилмаган $D_1 = 1$ - йўлга қўйилган	Рақамли технологияларнинг жорий этилганлигини билдиради
Ресторанларда рақамли бронлашнинг кўйилганлиги- $D_2$	$D_2 = 0$ -йўлга қўйилмаган $D_2 = 1$ -йўлга қўйилган	Рақамли технологияларнинг жорий этилганлигини билдиради
Транспорт хизматларида рақамли бронлашнинг кўйилганлиги- $D_3$	$D_3 = 0$ - йўлга қўйилмаган $D_3 = 1$ -йўлга қўйилган	Рақамли технологияларнинг жорий этилганлигини билдиради
Қўшимча хизматларда рақамли бронлашнинг кўйилганлиги- $D_4$	$D_4 = 0$ -йўлга қўйилмаган $D_4 = 1$ -йўлга қўйилмаган	Рақамли технологияларнинг жорий этилганлигини билдиради

Жумладан, тадқиқот ишида юқори сифатли туристик хизмат кўрсатиш даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиб, уни қўллашнинг қуйидаги усуллари таклиф этилди (1-жадвалга қаранг).

<sup>14</sup> Ушбу жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги формулалар ёрдамида аниқланган туристик хизмат кўрсатиш сифат даражасининг рақамли технологияларга асосланганлигини акс эттирувчи кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда юқори сифатли туристик хизмат ҳажмига бўлган талаб ва таклиф мувозанати куйидагича ҳисобланади:

$$Dem(N_{lux}, P_{lux}) = \sum_{i=1}^{N_m} (Q_m * P_m * D_m) + \sum_{i=1}^{M_{rest}} (Q_r * P_r * D_r) + \sum_{i=1}^{J_{lux}} (Q_t * P_t * D_t) + \sum_{i=1}^{N_q} (Q_q * P_q * D_q) \quad (1)^{15}$$

Бу ерда:  $N_{lux}$  – жами ташриф буюрган люкс-класс туристлар сони;

$Q_{m,r,t,q}$  – тегишли битта хизматдан фойдаланган люкс-класс туристлар сони.

$P_{lux}$  – юқори сифатли туристик хизматлар ўртача нархи;

$Dem(N_{lux}, P_{lux})$  – юқори сифатли хизматларга талаб даражаси;

$P_m$  – 3-4-5 юлдузли меҳмонхоналарда битта хона учун ўртача нарх;

$P_r$  – ресторанларда бир марта овқатланиш бир турист учун ўртача нархи;

$P_t$  – чакирув бўйича транспорт хизматларининг битта турист учун ўртача нархи;

$P_q$  – битта қўшимча хизматнинг бир турист учун ўртача нархи;

$D_{m,r,t,q}$  – тегишли хизматнинг рақамлаштирилганлик даражаси;

$N_m$  – 3-4-5 юлдузли меҳмонхоналар сони;

$N_q$  – қўшимча хизматлар сони;

$M_{rest}$  – ресторанлар сони;

$J_{lux}$  – чакирув бўйича транспорт хизматлари сони;

Диссертацияда юқоридаги тенгламалар ёрдамида уларнинг ҳар бирига хос кўрсаткичлар ҳисобланган ва улардан туризм субъектлари фаолиятида фойдаланишнинг аҳамияти ҳамда зарурати амалий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, тадқиқот жараёнида хорижий ва маҳаллий соҳа олим ва мутахассисларининг илмий қарашларини ўрганиш натижасида муаллиф томонидан рақобатбардош юқори сифатли туристик хизматларнинг инновацион ривожланиш модели ишлаб чиқилган. Унда: 1) дестинация иклими ва экологик ҳолат; 2) туризм инфратузилмаси; 3) инновацион туризм тараққиётини таъминлайдиган ўзаро боғлиқ ва ёрдамчи саноат соҳаларининг ривожланганлик даражаси; 4) маҳаллий кадрлар малакаси; 5) тарихий-маданий объектларнинг муҳофазаланганлиги; 6) туризм соҳасини инновацион илмий ишланмалар билан таъминлайдиган илмий институтлар билан ҳамкорлик даражаси каби омиллар ҳисобга олинди. Қайд этилган 6 та узвий боғланган омиллар асосида инновацион туристик хизмат турларидан самарали фойдаланиш учун қулай муҳит яратиш йўналишлари илмий-амалий нуқтаи назардан асослаб берилди.

Тадқиқот ишида туристларга юқори сифатли ва рақобатбардош хизмат кўрсатиш бўйича АҚШ, Испания, Швейцария каби давлатлар тажрибасидаги туризмнинг рақобатбардошлик индекси, янги маршрутлар ишлаб чиқишнинг ўзига хос талаблари, кенг маркетинг тарғиботи орқали оммага етказиш йўллари, туризмдаги халқаро очиклик, эркинлик ва имтиёзлар ҳамда

<sup>15</sup>Ушбу формула муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

инновацион технологияларни жорий этиш механизмлари, шунингдек, кенг тарқалган замонавий арт галереялар, жаз, поп ва бошқа жанрларда мусиқа концертлари, фильмлар ва турли санъат намуналари воситасида саёҳатчиларни жалб қилиш тadbирларидан республика туризм соҳасида фойдаланиш усуллари илмий асосланди.

Диссертациянинг «**Юқори сифатли ва рақобатбардош туристик хизматлар кўрсатишга таъсир этувчи омиллар таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида республикада юқори сифатли туристик хизматлар кўрсатувчи хўжалик субъектларида нарх сиёсати ва рақобат стра-тегиясининг қўлланиш ҳолати, шунингдек туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматлар бозорида рақобатбардошликни таъминлашга таъсир этувчи омиллар ва улардан фойдаланиш тенденциялари таҳлил қилинди. Олинган натижа ва хулосалардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот ишида туристик хизматлар рақобатбардошгини баҳолашнинг умумий интеграллашган индекси ишлаб чиқилди. Бунда туризм субъектлари даромади, туризм бозоридаги улуши ва кадрларининг рақобатбардошлик салоҳияти, қайта алоқа натижасида аниқланган хизматлар сифати каби кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Ушбу услубий ёндашув асосида диссертацияда Ўзбекистонда туризм субъектларининг хизмат кўрсатиш рақобатбардошлигини аниқлаш мақсадида Самарқанд вилоятидаги 25 та туристик субъектлар фаолияти таҳлил қилинди ва бу жараёнда мазкур тадқиқот муаллифи томонидан тавсия этилган кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланган рақобатбардошлик индексларига мувофиқ уларнинг рейтинги аниқланди.

Тадқиқот ишида туристик субъектлар ўртасида нарх бўйича рақобат ўйинлар назариясидан фойдаланиб моделлаштирилди ва потенциал рақобат стратегиялари илмий асосланди. Бунда Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган «Малика Прайм» ва «Ориент Стар Самарқанд» меҳмонхоналари кўрсаткичларидан фойдаланиб, нарх бўйича (рақобат ўйини асосида) тўлов матрицалари тузилди ва таҳлил қилинди.

Таҳлил натижасида рақобат бошланишидан олдин айланма маблағи камроқ бўлган меҳмонхона нархни тушириб, кейин кўтариши билан нарх «жанги»нинг бошланиши ва айланма маблағи кўпроқ бўлган меҳмонхоналарда эса, аксинча, аввал нархни кўтариб, кейин тушириш тактикасини қўллаши рақобатни бошлаш учун мақбул эканлиги илмий асосланди.

Республикамиз туризм соҳасининг келгуси тараққиёти юқори сифатли туристик хизматларнинг рақобат стратегиясини белгилаб олишни тақозо этади. Юқори сифатли туристик хизматларнинг рақобат стратегияси – бу туристик хизмат кўрсатиш субъектлари ўртасида нарх, хизмат сифати, молиявий барқарорлик, рақобатбардошликни таъминлаш бўйича тузилган узок муддатли истиқбол режаси ва уни амалга оширишдан иборат. Шунга биноан, диссертацияда истиқболда Ўзбекистон туризмида юқори сифатли туристик хизматларнинг рақобат стратегияси йўналишлари илмий асосланди.

Республикамизда ўсиб бораётган юқори сифатли туристик хизматларга бўлган талаб ва унинг қондирилиши ўртасидаги муносабатлар юқори сифат-

ли туристик хизматлар бозори (кейинги ўринларда ЮСТХБ)да амалга оширилади.

Бизнингча, ЮСТХБ – бу истеъмолчиларга юқори сифатли туристик хизмат кўрсатиш асосида даромад олиш имкониятини яратадиган туристик хизматларга талаб ва таклиф мутаносиблигини акс эттирадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот ишида туристларга юқори сифатли ва рақобатбардош хизмат кўрсатишга таъсир қилувчи омиллар ташкилий, табиий, техник-технологик, иқтисодий-молиявий, ижтимоий-маънавий ва психологик гуруҳлар кесимида тадқиқ қилинган ва уларнинг ҳар бирига хос бўлган хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда тегишли хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

<p><b>Кучли томонлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- давлат томонидан туристик инфратузилмани ривожлантиришни рағбатлантирилиши;</li> <li>- туризм соҳасига ёндош бошқа тармоқ ва соҳаларнинг ривожланганлиги;</li> <li>- тарихий-маданий ёдгорликларнинг кўплиги;</li> <li>- республикада инсон ҳаёти хавфсизлиги таъминланганлиги;</li> <li>- мамлакатда халқаро очкилик сиёсатининг устуворлиги.</li> </ul>	<p><b>Заиф томонлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- соҳада юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги;</li> <li>- кичик туристик субъектлар учун такомиллашган сифат мезонларининг мавжуд эмаслиги;</li> <li>- туристик субъектлар учун ягона ҳудудий кооперацион тизимнинг шакллантирилмаганлиги;</li> <li>- туризм соҳасида мавсумийликнинг салбий таъсирини камайтириш бўйича аниқ методология ва стратегиянинг ишлаб чиқилмаганлиги.</li> </ul>
<p><b>Имкониятлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳукуматнинг юқори сифатли туристик хизматлар кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганлиги;</li> <li>- халқаро туризмни ривожлантириш бўйича қулай географик жойлашуви;</li> <li>- давлат томонидан ички ва ташқи туризмнинг қўллаб қувватланиши;</li> <li>- аҳолининг ўртача даромадлари ўсиб бораётганлиги;</li> <li>- рақамли технологияларни қўллаш орқали тез ривожланиш имконияти.</li> </ul>	<p><b>Таҳдидлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- республика ҳудудлари бўйича туристик инфратузилманинг турли даражада ривожланганлиги;</li> <li>- маҳаллий аҳолининг катта қисмида саёҳат кўникмасининг етарли даражада шаклланмаганлиги;</li> <li>- халқаро туризм бозорида республикамизнинг кам танилганлиги;</li> <li>- жаҳон интернет тармоғида мамлакатимиз тўғрисида маълумотларнинг етарли эмаслиги.</li> </ul>

**1-расм. Юқори сифатли туристик хизматлар бозорининг ривожланиши бўйича SWOT таҳлили<sup>16</sup>**

Бу жараёнда SWOT<sup>17</sup> таҳлил усулидан республикада юқори сифатли туристик хизматлар бозорининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилди (1-расм). Ушбу усул ёрдамида юқори сифатли хизматлар бозорининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни кучли томонлар, имкониятлар, заиф жиҳатлар ва таҳдидларга ажратиб олиш орқали мазкур бозорнинг

<sup>16</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>17</sup>SWOT-стратегик режалаштиришдаги таҳлил усули бўлиб, омил ва ҳодисаларни 4 та гуруҳга ажратади.



республикамиздаги кейинги тараққиётини режалаштириш имконияти яратилади.

Республиканинг муҳим туристик дестинация (кулай жойлашув)га эга бўлган Самарқанд вилоятида 2015 йилдан 2019 йилгача туристлар сонининг қарийб 4 марта ортиши соҳада сифатли туристик хизматларга нисбатан талабнинг тез суръатда ўсиб бурганидан далолат беради (2-жадвал).

## 2-жадвал

### 2015-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризм соҳасининг ривожланиш динамикаси<sup>18</sup>

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар:					
		2015	2016	2017	2018	2019	2019 й. 2015 й.га нисбати, %
1.	Вилоятга ташриф буюрган жами туристлар сони, киши	876971	1056250	1319630	2456000	3120000	355%
	Жумладан:						
	Хорижий туристлар сони, киши	64971	76250	179630	351000	560000	862%
	Маҳаллий туристлар сони, киши	812000	980000	1140000	2105000	2560000	415%
2.	Туристлик субъектлар сони, бирлик	242	252	292	468	841	347%
3.	Туристлик субъектлардан олинган даромад, млрд.сўм	111,9	130,2	156,3	146,3	245,7	219%
4.	Меҳмонхоналар фаолиятдан олинган даромад, млрд.сўм	32,8	40,9	51,1	63,1	109,2	333%
5.	3,4,5 юлдузли меҳмонхоналар хизматидан тушган даромад, млрд.сўм	2,7	3,8	6,2	9,8	12,2	452%
6.	Туризмда транспорт хизматлари қиймати, млрд. сўм	5,8	7,2	9,5	12,7	18,1	312%
7.	Турфирмалар хизматлари қиймати, млрд. сўм	32,4	39,5	44,6	70,5	118,4	365%

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, айниқса, хорижий туристларнинг Самарқанд вилоятига ташрифи 2015 йилга нисбатан 8,6 мартага, маҳаллий туристлар сони эса 4 мартага ўсган. Шу билан бирга, туристик инфратузилманинг асосий бўғинларидан бўлган меҳмонхоналар, тур фирмалар ва транспорт хизматлари даромадлари икки баробар ошган. Нисбатан юқори сифатли хизмат кўрсатувчи 3, 4, 5 юлдузли меҳмонхоналар даромадлари 2019 йилга келиб 4,5 баробар ортгани, вилоятда юқори сифатли туристик хизматлари ҳажми келажакда юқори даражада ошиши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Самарқанд шаҳридаги уч юлдузли «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасининг асосий иктисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда ялпи хизматлар ҳажми 2015 йилдан 2019 йилгача ўсиши (2,3 марта) кузатилган. Хизматлар турлари бўйича жойлаштириш ва гид хизматлари ҳам ошган.

Айниқса, ушбу меҳмонхонада 2019 йилда эришилган юқори кўрсаткичларнинг сабабларидан бири сифатида мазкур меҳмонхона қошида

<sup>18</sup>Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

фаолият бошлаган туристик фирма томонидан республика ҳудудларида тур пакетларнинг ташкил қилиниши бўлган.

Ушбу даврда «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси ўзининг нисбатан кичик ҳажмига қарамадан, юқори сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва туристик маҳсулотни диверсификация қилиш орқали туризм бозорида мустаҳкам ўрнашиб олишга эришган.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, мазкур меҳмонхона тажрибасидан бошқа меҳмонхоналар фаолиятида фойдаланиш республика миқёсида сайёҳлар оқимини кескин ошириш учун кенг имкониятлар яратади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда туристларга хизмат кўрсатишда юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш усуллари**ни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари»га бағишланган. Ушбу бобда рақобатбардошликни таъминлашда кичик туристик субъектда юқори сифат стандартларини такомиллаштириш ва инновацияга асосланган туристик хизмат турларидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари асослаб берилган, туристларга хизмат кўрсатиш кластерини шакллантириш асосида юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш имкониятлари, шунингдек, рақамли технологиялар асосида туристларга юқори сифатли рақобатбардош хизмат кўрсатишнинг истиқбол параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда туристларга хизмат кўрсатиш жараёнларида юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш усуллари қуйидагилар ҳисобланади, жумладан:

инновацияга асосланган туристик хизмат турларидан фойдаланишнинг концептуал йўналишларини белгилаб олиш ҳамда шу асосда кичик туристик субъектлар учун юқори сифатли хизмат кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқиш;

туристик хизматлар кўрсатиш ҳудудий кластерларини шакллантириш асосида туризм самарадорлигини оширишга эришиш;

рақамли иктисодиёт шароитида туристларга юқори сифатли рақобатбардош хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг 2021-2024 йиллар учун прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Диссертацияда, шунингдек, туризмда рақобатбардош юқори сифатли хизмат кўрсатишни таъминловчи инновацияга асосланган туристик хизмат турларидан фойдаланишнинг концептуал йўналишлари илмий-услубий ва амалий жиҳатлардан асослаб берилган. Шуларни эътиборга олган ҳолда ишда инновацияга асосланган туристик хизмат турларидан фойдаланишга мос фаолият юритувчи кичик туристик субъектлар учун юқори сифатли хизмат кўрсатиш мезонлари таклиф этилди (3-жадвал).

